

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.31 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ ЗОХИДЖОН НУРМАНОВИЧ**

**БОЛАЛАР НЕЙРОМОТОР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ**  
**РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Исмаилов Зоҳиджон Нурманович**

Болалар нейромотор тизими касалликларининг реабилитациясини  
оптималлаштириш ..... 3

**Исмаилов Зоҳиджон Нурманович**

Оптимизация реабилитации детей с заболеваниями нейромоторного  
аппарата ..... 23

**Ismailov Zohidjon Nurmanovich**

Optimization of rehabilitation of children with diseases of the neuromotor  
apparatus ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.31 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ ЗОХИДЖОН НУРМАНОВИЧ**

**БОЛАЛАР НЕЙРОМОТОР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ**  
**РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib918 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мирджураев Элбек Миршавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Шамансуров Шаанвар Шамуродович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Садикова Гулчехра Кабуловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Самарканд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Б.Г.Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Болалар ногиронлиги бутун жамиятнинг тиббий-ижтимоий муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «болалар неврологик касалликлар туфайли ногиронлик Европанинг кўпгина мамлакатларида ўсиб 2019 йилга келиб 4,58% ни ташкил этган, 2021 йилда эса, бу кўрсаткич 12% га етиши мумкин»<sup>1</sup>. 2018 йил бўйича статистик маълумотларга кўра, «Ўзбекистонда 16 ёшгача бўлган 1000 та аҳоли сонига нисбатан 10.3 ногирон болалар учрайди»<sup>2</sup>. Бу борада болалар ногиронлигининг сабабларидан бири бўлган болалар нейромотор тизими касалликлари алоҳида ўрин тутди. Болалар периферик нерв тизимининг зарарланиши билан кечувчи касалликлари орасида тарқалиши бўйича болалар оёқларнинг монойропатияси нервларнинг травматик зарарланишидан кейинги ўринда туради. Бугунги кунда болалар саломатлигини мустақамлаш ва болалар ногиронлигининг профилактикаси энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида болаларда травматик невропатияларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, назорат қилиш ва асоратларини даволашни замонавий ёндошувлари ҳамда реабилитация усуллари ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Болаларда оёқларнинг травматик невропатиясида невроортопедик асоратларни аниқлаш, периферик нерв тизими зарарланиши ўз вақтида ташхислаш, болалар нейромотор тизими зарарланишлари жумладан периферик нерв тизимини травматик зарарланишлари кейинги даврнинг тактикасини белгилаш, клиник неврологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, периферик нерв тизими жароҳатларини даволашда интенсив муолажаларни эрта комплекс тиббий реабилитацияга қаратилган замонавий даволаш тизимини яратиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли, аниқ мақсадга йўналтирилган туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, болаларга амалиётига оид муаммолар бўйича ўтказилаётган мақсадли тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...касалликларни олдини олиш ва ташхислаш, юқори технологик усулларни жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> га ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги қатор ислоҳатларни татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди. Бу борада аҳолига айниқса болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда нейромотор тизим касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифати даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли

<sup>1</sup> WHO. [www.who.int](http://www.who.int). GHO.: <https://www.who.int/data/maternal-newborn-child-adolescent/gama/gama-related-resources/gho>

<sup>2</sup> 2018\*-Давлат статистика қўмитасининг 01.01.2018 йилдаги аҳоли сонига нисбатан кўрсаткичлари

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси соҳлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда периферик асаб тизиминг травматик зарарланишларини ташхислаш ва даволашга кўплаб тадқиқотлар бағишланган, аммо периферик нерв тизимини инекциядан кейинги (ятроген) зарарланишлари этиологияси, патогенези, даволаш ва реабилитация қилиш борасида етарлича малумотларнинг йўқлиги, бундай зарарланишларнинг клиник хусусиятлари ва даволаш ҳамда реабилитация усулларини такомиллаштириш йўллари тўлиқ ҳал этилмаган муаммолар сирасига киради. Касаллик патогенезида бир неча омиллар – механик, нейротоксик ва томир омилларининг бирикишини инобатга олиб, даво муолажаларини комплекс равишда олиб бориш заруриятини аниқлаган (Босых В.Г., Мартянов Б.Б., 2018).

Сўнгги йилларда қуймич нерви травматик зарарланиш даражасини янада яққол аниқлаш, зарарланиш даражаси оғирлиги ва тикланиш даражасини баҳолаш мақсадида магнит-резонанс нейрографияси услубини қўллаш орқали изланишлар олиб борилмоқда (Белоярцев Ф.Ф., 2018). Фалажланган пай-мушак пластинкаларида учрайдиган деформациялар асосий белгиларнинг рецидив бериши туфайли келиб чиқиб, 44-50% гача учрагани исботланган (Чочиев Г.М., Алборов О.И. и др., 2017; Saw A., Смитх П.А. и др., 2016; Коман Л.А., Смитх Б.П. и др., 2017).

Периферик асаб тизими зарарланган беморларни даволашда ҳозирги кундаги анъанавий даволаш принципларидан фарқли ўлароқ узок муддатли реабилитация қилиш ва бу жараёнда беморларга фармако-физио-механотерапия ҳамда ортопедик тартиб билан комплекс даволаш ишларини олиб бориш катта натижа беради. Шунга қарамай, бугунги кундаги стационар ва амбулатор шароитда даволашнинг юқорида кўрсатилган принципларга ҳар доим ҳам риоя этилмаслиги сабабли кутилган натижанинг самараси пастлигича қолмоқда. Шуларни назарда тутган ҳолда республикамизнинг турли ҳудудларида тарқоқ ҳолда даволаниб юрган беморларни имкон қадар махсус даволаш профилактика муассасаларига жамлаб, уларга бир вақтнинг ўзида неврологик ҳам ортопедик, физиотерапевтик, шунингдек психопедагогик муолажаларни ўтказиб, энг мақбул усулни танлашдаги етишмовчиликларни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга соғлиқни сақлаш тизимида шаклланаётган даволаш стандартларига нейромотор тизими бузилиши бўлган беморларни даволашда юқорида кўрсатилган комплекс чора-тадбирлар кетма-кетлигини тўлиқ ўрганиб, уларни даволаш стандартларига киритиш тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болалар нейромотор тизими касалликларининг реабилитациясини оптималлаштириш» (2011-2019йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** нейромотор тизими (ПНТ) зарарланиши натижасида ҳаракати чегараланган бемор болалар реабилитацияси мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Болаларда ПНТ жароҳатидан кейинги невропатияни клиник-неврологик кўринишлари бўйича ўрганиб, тиббий реабилитация самарадорлигига таъсир этувчи тиббий-ижтимоий-иктисодий ва ташкилий омилларни таҳлил қилиш;

нейромотор тизим касалликлари бўлган болаларни комплекс босқичма-босқич, узлуксиз реабилитация қилиш тамойилларини жорий этиш;

болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари тиббий интеграллашган реабилитациясида «Унифицирланган электрон касаллик баённомаси дастури»ини ишлаб чиқиб, тиббий реабилитацияда самарадорлигини ўрганиш;

нейромотор тизим касалликларида ҳаракат ўзгаришларининг рецидивлари, яъни қайталанишларини олдини олиш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси марказининг неврология реабилитация бўлимида даволанаётган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар периферик нерв тизимида зарарланиши бўлган бола олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида неврологик статуснинг комплекс текшируви, антропометрик ва функционал текширув: ЭНМГ тадқиқотлар натижалари, унифицирланган касаллик баённомаси ҳамда реабилитация сифат назоратини баҳолаш ва динамикада кузатиш учун Rem-Ex мобил иловасидан тадқиқот натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик маълумотлар, анамнезнинг эътибор билан тўпланиши, нейрофизиологик тадқиқотлар (электронейромиография) ва антропометрик услублар, тестлар ҳамда статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор болаларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, травматик мононевропатияларни келтириб чиқарган омиллар аниқланган;

периферик нерв тизими жароҳатларида нерв толасининг зарарланиш тури ва даражасига қараб нерв толалари билан ЭНМГ кўрсаткичлари ўртасида кучли мусбат мутонасиблик аниқланган;

нейромотор тизим касалликларида ЭНМГ ташхисни тасдиқловчи, даволаш самарадлигини ҳамда индивидуал соғломлаштириш режасини белгиловчи индикаторлиги аниқланган;

илк бор нейромотор тизими касалликлари (ҳаракат бузилишлари ҳамда деформатик ўзгаришлар) бўлган болаларда ногиронликнинг олдини олишга қаратилган индивидуал юқори самарали комплекс реабилитация дастурлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педиатрия амалиётида периферик нерв тизими жарохатига асосий сабабчи омил, ностероид ялиғланишга қарши дори воситаларини инъекция шаклида амалиётда қўллаш ҳавф омиллиги эканлиги исботланди;

клиник – неврологик, антропометрик текширув, ЭНМГ таҳлили ва корреляциясида, беморларда юзага келадиган асоратларини эрта ташхислаш, касалликни олдини олиш, даво ва профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини оширган;

эрта комплекс тиббий реабилитация дастурида замонавий компьютер технологияларига асосланган, даволаш стандартларини аниқлашнинг маълумотлари базаси ва статистик мониторингини электронизацияси, нейромотор касалликлари бўлган болаларнинг тиббий реабилитациясини ягона интеграция қилинган тизимлаштирилган электрон дастур ёрдамида баҳолаш тизими орқали ёзма ҳужжатлар ва архивга топширишга кам вақт кетгазиш имконини берган янгилик – ягона унифицирланган электрон касаллик баённомаси ишлаб чиқилди;

нейромотор тизим касалликларида ҳаракат бузилишлари ҳамда деформатик ўзгаришларнинг қайталанишини олдини олиш мезони Rem-Ex мобил юкмасини яратилиши натижасида тиббий реабилитацияни самарасини баҳолаш ва назорат қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот услубиёти ва дизайни; ишда қўлланилган назарий ёндошув, тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига муносиб услублар ва йўналишлар туфайли амалий натижаларга эришилганлик, етарлича беморда ўтказилган текширув усуллари хулосаларининг ишончлилиги, статистик ва назорат усуллари ёрдамида олиб борилган ишлов ва тадқиқотдан олинган натижаларнинг халқаро ва миллий маълумотлар билан солиштирилганлиги ҳамда тегишли давлат қўмиталарида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ПНТ касалликлари бор болаларнинг ота-оналарида касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари соҳасидаги назарий билимларини кенгайтириш, касаллик этиологияси, бошланиш вақти ва турига боғлиқ бўлган травматик периферик мононевропатиянинг турли босқичларида беморларни кузатишга энг самарали ёндашувни ишлаб чиқиш, травматик мононевропатия ривожланиш ҳавфи, хусусиятларини прогнозлаш клиник мезонлари тактикасини такомиллаштириш, болаларда травмадан кейинги невропатияни ташхиси, давоси ва эрта реабилитацияси тактикасини танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган реабилитация дастури, травмадан кейинги невропатияни ишончли ўз вақтида эрта ташхислаш ва, периферик нерв тизими невропатияси бўлган беморларни ЭНМГ текширувидан барвақт ўтказиш касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш имкониятининг яратилиши ҳамда мазкур касаллиги бўлган болаларни эрта комплекс тиббий реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш болалар ногиронлигини олдини олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда периферик нерв тизими мононевропатияларни ташхислаш, клиник хусусиятлари ва реабилитация усуллариини такомиллаштириш йўллариини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:



«Болаларда постинъекцион оёқ мононевропатиялари: ташхислаш алгоритми ва тиббий реабилитациясини оптималлаштириш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 8н-д/147-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда постинъекцион оёқ мононевропатияларининг салбий натижаларини аниқ прогноз қилиш, реабилитацияни оптималлаштириш ва асоратларни камайтиришга хизмат қилган;

Травмадан кейинги пастки мононевропатияларни даволаш ва тиббий реабилитация қилишга қаратилган тадқиқот тизимли тахлили бўйича олинган имий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази ҳамда ЎзР ССВ У.Курбанов номидаги Республика болалар руҳий-асаб диспансери амалиётларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 8н-з/242-сон маълумотномаси). Натижада болаларда постинъекцион оёқ мононевропатияларини комплекс тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлиги салмоқли равишда ошди, бу эса болаларни соғайиши даражасини ортиши, шифохоналарда даволаниш частотасининг камайиши, ногиронликнинг оғирлик даражасини пасайиши, ҳамда болалар ва унинг оиласи ҳаёт сифати ошишига имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 республика миқёсидаги ва 2 халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктории диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ишланганлик даражаси кўриб чиқилган, тадқиқотнинг мақсад ва илмий вазифалари баён этилган. Тадқиқотнинг объекти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончилиги ва асосланиши, апробация ва жорий қилиниш соҳалари, эълон қилинган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар акс этган.

Диссертациянинг «**Нейромотор тизимининг шаклланиш босқичлари. Нейромотор тизим касалликлари ҳақида замонавий тушунча**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, бунда инъекциядан кейинги мононевропатиялар юзага келишининг анатомик асослари тўғрисидаги замонавий қарашлар акс этган, шунингдек, инъекциядан кейинги мононевропатиялар патогенези, замонавий таснифи ва клиник хусусиятлари тўғрисидаги шарҳ

келтирилган. Нейромотор соҳанинг турли касалликларини ташхислашда электромиографияни қўллашнинг илмий асосланган маълумотлари келтирилган. Нейромотор тизим касалликларини даволашда турли реабилитацион тадбирларни қўллашнинг натижалари умумлаштирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида ташхислашнинг замонавий антропометрик ва нейрофизиологик услублари қўлланган ҳолда клиник материалнинг умумий таърифи келтирилган. Мазкур ишнинг асосига нейромотор тизимининг турли касалликлари бўлган 100 нафар болаларнинг проспектив тадқиқотлари олинган. Текширувдаги беморлар Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликларининг реабилитация марказига келган бирламчи беморлар, ёки марказда 2011-2019 йиллар давомида кузатувда бўлган беморлар ташкил этди.

Текширувдаги болалар 65 нафар ўғил ва 35 нафар қиз болалардан иборат бўлди. Беморларнинг ёши 3-18 ёш атрофида бўлди ( $M_e=4,2$  ёш;  $Q_1=3,2$  ёш,  $Q_3=5,7$  ёш). БЖССТ-2018 йилдаги болаларнинг ёшлар кўрсаткичи бўйича гуруҳларга бўлинди.



1-расм. Болаларнинг ёши ва жинсига кўра тақсимланиши (n=100).

### 1-жадвал.

Болаларнинг гуруҳларга кўра тақсимланиши (n=100). БЖССТ-2018й

| Ёш       | Асосий гуруҳ | Қиёсий гуруҳ |
|----------|--------------|--------------|
| 3-7 ёш   | 26(26%)      | 15(15%)      |
| 7-11 ёш  | 20(20%)      | 13(13%)      |
| 11-18 ёш | 18(18%)      | 8(8%)        |

Оёқлар невропатиялари орасида куймич нерви невропатиялари 30 (37,5%), катта болдир нерви невропатияси - 13 (16,25%), кичик болдир нерви невропатияси - 37(46,25%) кузатилди. Оёқ монопарези бўлган болаларнинг умумий ҳисобидан ўғил болалар 3 (3%) ва қиз болалар 2 (2%) ни ташкил этди. Инъекциядан асорат қолган (ятроген): НЯҚВ инъекцияси - 65 нафар бола (81,25%), антибиотик инъекцияси 15 нафар (18,75%) болада кузатилган.

Даволашнинг қўлланилаётган услубларига боғлиқ равишда барча беморлар гуруҳларга ажратилди.

Барча беморлар касаллик бошланишидан аввал «шамоллаш»га шикоят қилдилар (58%), бошқалари совуқ қотишга эътибор қаратдилар (елвизак) (27%), маиший шикаст 15% болаларда аниқланди.

Парез оғирлик даражасини баҳолашда касаллик енгил даражаси (ФК-1) 27 нафар (27%), парез ўрта даражаси(ФК-2) –33 (33%) нафар, ўрта-оғир даражаси 30 (30%) нафар бемор болада кузатилган.

Асосий гуруҳ болаларида реабилитацион тадбирларнинг давомийлиги ўртача 45 кунни ташкил этди.

## 2-жадвал.

Даволашнинг қўлланилаётган услубларига боғлиқ равишда гуруҳларга тақсимланиши(n=100)

| Гуруҳлар | Миқдори, ёши              | Реабилитациянинг қўлланилаётган услублари                             |
|----------|---------------------------|---|
| Асосий   | 64 нафар бола, 10,05±0,27 | Даволашнинг анъанавий услуби + реабилитациянинг ишлаб чиқилган услуби |
| Қиёслаш  | 36 нафар бола, 9,8±0,25   | Даволашнинг анъанавий услуби  |

Барча беморларда клиник-неврологик текширувлар стандарт услуб бўйича қўлланилди. Барча беморларга клиник, неврологик, антропометрик ва электрофизиологик тадқиқот услублари ўтказилди.


Тадқиқотнинг клиник услуби шикоятлар, ҳаёт ва касаллик анамнези, умумий ва неврологик статус таҳлилларидан иборат бўлди.

Беморларнинг **антропометрик текшируви** куннинг биринчи ярмида, тананинг ўнг томонида В.В. Бунаканинг «Антропометрия»қўлланмасида таърифланган ва М.В Ломоносов номли МДУ антропология ИТИ да қабул қилинган услуб орқали метрик назоратдан ўтган антропометрик асбобларнинг стандарт тўплами ёрдамида ўтказилди. Тананинг компонент таркиби J.Mateika услубиёти ёрдамида баҳоланди. Қуйидаги индексларнинг ҳисоби ўтказилди: Кетле-2 (ТВИ) индекси, Эрисман, Рорер индекси.

Ҳаракат ва сезувчанлик нервларининг функционал ҳолати стимуляцион электронейромиография (ЭНМГ) услуби ёрдамида Нейрософт (Россия) аппаратида умум қабул қилинган услубиёт бўйича амалга оширилди. Диссертациянинг «**Нейро-мотор тизим касалликлари бўлган бемор болаларда клиник-анамнестик, антропометрик ва нейрофизиологик текширувларнинг натижалари**» номли учинчи бобида ҳаракатларнинг чекланишининг асосий шикоятлари оёқлар гипотрофияси ва атрофияси эканлиги аниқланди. Ёш нисбати бўйича кичик гуруҳнинг ўғил болаларида оёқларида ҳаракат чекланиши (53,1%) ва товонда оғриқлар (42,2%),оёқда оғриқлар (31,5%) каби шикоятларнинг юқори фоизи тўғри келди. 7-11 ёшдаги ўғил болалар орасида юқоридаги шикоятларнинг кўрсаткичларимос равишда, 41,6% ва 32,8 % гача ишончли пасайиши аниқланди.

11-18 ёшдаги беморлар гуруҳида шикоятлар фоизи аҳамиятсиз пасайди ва26,2%-34,5% ни ташкил этди, аввалги гуруҳдан камроқ бўлди, ва бу патология ёш нисбатига мос равишда кучайиши ҳақидаги фикрга зид келди. Шу тариха, ўғил болалар орасида оёқда оғриқлар, зарарланган соҳада ҳаракатлар чекланишига шикоятлар тарқалганлигининг аниқ тобелиги кузатилди.

Асосий кўрсаткичлар қаторида тана вазни индекси ҳам баҳоланди. Ўғил болаларда ўртача ТВИ 26,5 кг (минимум 17,1; максимум 41,6; стандарт оғиш 4,2),қиз болаларда 27,2 кг (минимум 17,1; максимум 38,7; стандарт оғиш 4,5) ни ташкил этди.



**2-расм.** Неврологик шикоятларнинг жинсга боғлиқ ҳолда тарқалганлиги (n=100)

Ўғил болаларга нисбатан, инъекциядан кейинги мононевропатиялар тарқалганлиги кичик ёш гуруҳида юқори бўлди (ўғил болаларга нисбатан 6 мартага кўп). Бунда ўрта ёш гуруҳида (7-11 ёш) патология тарқалганлиги ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда пастроқ экани аниқланган.

Текширувдаги беморларнинг клиник симптомлар йиғиндиси қуйидагича келтирилган: маълум миотомга мос бўлган кучли ҳаракат бузилишлари, проприорефлекснинг йўқолиши ёки пасайиши, сезувчанлик ўзгаришлари (мос дерматомада хос бўлган). Барча текширилган беморлар бўйича энг кўп учраган шикоят оёқларнинг парези бўлди.

### 3-жадвал


Текширувда қатнашаётган беморларнинг ёшга боғлиқ бўлган асосий неврологик шикоятларининг тарқалганлиги

| Ёш               | Дизестезиялар,% |             | Нотўғри бажарилган инъекциялар оқибатидаги оғриқлар (антибиотик, НЯҚВ) |             |
|------------------|-----------------|-------------|--|-------------|
|                  | ўғил болалар    | қиз болалар | ўғил болалар   | қиз болалар |
| 3-7 ёш           | 3,1             | 17,6        | 9,2  | 23,5        |
| 7-11 ёш          | 29,0            | 16,1        | 29,5   | 32,3        |
| 11-17 ёш         | 39,8            | 28,6        | 36,8   | 44,2        |
| Ўртача кўрсаткич | 29,5            | 30,9        | 31,3   | 40,9        |

Шу тариқа, ўғил болалар орасида инъекцияни нотўғри техникаси асосида бажарилганига шикоятларнинг тарқалганлиги, ҳамда дизестезияларнинг ёшга аниқ боғлиқлиги кузатилди: бемор болаёшининг ўсиб бориши билан шикоятлар тарқалганлиги ҳам ортиб боради.

Шуни айтиш керакки, қиз болалар орасида нотўғри бажарилган инъекция туфайли юзага келган шикоятларнинг тарқалганлиги тўғридан тўғри боғлиқлиги аниқланган, бироқ у статистик аҳамиятли бўлмаган. Бола ёши ўсиб бориши билан оёқ ҳаракатларида чегараланишга шикоятлар ортиб боради.

Реабилитацион тадбирларнинг ишлаб чиқилган комплекси қўлланган асосий гуруҳнинг маълумотларига кўра, қуйидаги ўзгаришлар рўй берган: ҳаракатнинг кўпол ўзгаришлари  $85,6 \pm 3,4\%$  болада енгил ўзгаришгача камайган ( $p \leq 0,05$ ); жисмоний зўриқишларга бардошлиликнинг чекланиши  $68,3 \pm 3,8\%$  беморда йўқолган, бу кўрсаткич назорат гуруҳида  $21,8 \pm 4,5\%$  бўлган. Асосий гуруҳда оёқларда ҳаракат яхшиланиши кўринишидаги статистик аҳамиятли ўзгаришга эришилган, НЯҚВ қабул қилишга тобелик  $45,4 \pm 3,7\%$  дан  $4,2 \pm 1,6\%$  гача пасайган ( $p \leq 0,05$ ).




**3-расм.** Асосий гуруҳда даволашдан аввал ва даволашдан кейин неврологик кўрик маълумотлари бўйича бузилишларнинг кучлилиги




**4-расм.** қиёслаш гуруҳида даволашдан аввал ва кейин неврологик статус маълумотлари бўйича ҳаракат бузилишларининг кучлилиги (n=100)

Орто-неврологик кўрик маълумотларига кўра, статистик аҳамиятли натижалар олинган:  $57,3 \pm 4,0\%$  нафар беморда оёқлар титроғи бартараф этилган ( $p \leq 0,05$ ); қиёслаш гуруҳига нисбатан ( $21,8 \pm 3,4\%$ ,  $p \leq 0,05$ ) асосий гуруҳда ҳаракат чекланиши тугатилган болалар сони  $61,6 \pm 5,8\%$  га тенг бўлди. Кучли мушак гипотрофиялари (товон, тизза) асосий гуруҳда  $68,5 \pm 7,2\%$ ни ташкил қилди (қиёслаш гуруҳида  $24,3 \pm 3,8\%$ ,  $p \leq 0,05$ ).

Ортезларсиз ҳаракатланиш функцияси асосий гуруҳнинг  $73,2 \pm 8,6\%$  беморида яхшиланган, қиёслаш гуруҳининг мазкур кўрсаткичи  $42,3 \pm 4,4\%$  га тенг бўлган ( $p \leq 0,05$ ). Ҳаракатланишнинг кўпол бузилишлари асосий гуруҳда  $67,3 \pm 4,5\%$  дан  $13,8 \pm 2,4\%$  га пасайди ( $p \leq 0,05$ ), қиёслаш гуруҳида бу кўрсаткич  $44,6 \pm 3,7\%$  га тенг бўлди ( $p \leq 0,05$ ). Оёқ учида юриш қобилияти назорат гуруҳига нисбатан ( $34,4 \pm 4,7\%$ ,  $p \leq 0,05$ ) асосий гуруҳда  $65,7 \pm 7,6\%$  болада меъёрлашди ( $p \leq 0,05$ ). Товонда юриш қобилияти асосий гуруҳда  $55,2 \pm 6,4\%$  нафар, назорат гуруҳида  $21,6 \pm 4,3\%$  нафар болада кузатилди ( $p \leq 0,05$ ).



**5-расм.** Асосий гуруҳ беморларини даволашдан аввал ва кейин клиник-неврологик кўриги натижалари бўйича ҳаракатланиш функциясидаги яхшиланиш (n=100)



**6-расм.** Қиёслаш гуруҳ беморларини даволашдан аввал ва кейин клиник-неврологик кўриги натижалари бўйича ҳаракатланиш функциясидаги яхшиланиш (n=100)

Даволашдан аввал 21 нафар болада ташхисида товоннинг эквинус жойлашуви бўлган бўлса, биз томонимиздан ишлаб чиқилган реабилитацион тадбирлардан кейин деярли барча болаларда товон жойлашуви тўғриланди.


Даволашдан аввал текширувдаги барча болаларда умуртқа поғонасининг сколиози аниқланган эди, реабилитация курсидан кейин (реабилитация курси 45-50 кун давом этди), 90 % болаларда меъёрий гавда тутиш аниқланди, бу биз томонимиздан таклиф этилган реабилитациянинг юқори самарадорлиги ҳақида далолат беради. Бироқ гуруҳларда реабилитацияни баҳолашда асосий гуруҳ беморларида таянч-ҳаракат тизими функцияларининг тикланиши самаралироқ ўтганлиги аниқланди, бунда патология кучлироқ ифодаланган бўлса-да, яхшиланиш самаралироқ бўлган. Қиёслаш гуруҳида бирмунча камроқ яхшиланиш кузатилган. Вальгус ва варус деформацияси, степпаж ва тизза бўғимининг рекурвацияси даволашдан аввал барча беморларда кузатилган. Беморларга



реабилитация муолажалари, бўғим функционал ҳолатини яхшилаш учун лангет боғламини ўрнатишдан иборат бўлди. Шунингдек, зарарланган оёқ ортезлар ва ортопедик мосламалар билан тўғри ҳолатда тутилди. Ортопедик тартибга риоя қилинди. Ўтказилган реабилитацион муолажалардан кейин болдир-товоннинг варус деформацияси, бўғимларнинг рекурвацияси, қиёслаш гуруҳига нисбатан ( $56,7\pm 4,3\%$ ,  $p\leq 0,05$ ) асосий гуруҳдаги  $89,4\pm 5,6\%$  болада камайди.



**7-расм.** Асосий гуруҳ болаларида даволашдан аввал ва кейин неврологик кўрик натижалари асосидаги рефлекслар тикланиши. (n=100)



**8-расм.** Қиёслаш гуруҳ болаларида даволашдан аввал ва кейин неврологик кўрик натижалари асосидаги рефлекслар тикланиши. (n=100)

### ***Антропометрик тадқиқотлар натижалари***

Болдир-панжа бўғимининг ташқи букилишида статистик аҳамиятли яхшиланиш асосий гуруҳнинг  $67,3\pm 4,6\%$  беморида кузатилди, қиёслаш гуруҳида бу кўрсаткич  $35,5\pm 3,7\%$  га тенг бўлди ( $p\leq 0,05$ ). Оёқ қафтини букиш ва ёзишга маъсул мушак кучининг ортиши асосий гуруҳда  $93,6\pm 5,4\%$  га етган бўлса, назорат гуруҳида  $65,2\pm 4,3\%$  га тўғри келди ( $p\leq 0,05$ ). Товон 1 бармоғини буришга маъсул мушак кучи ҳаракати ҳамма пунктлар бўйича (0 дан 5 баллгача) яхшиланди ва реабилитация тугагандан кейин қиёслаш гуруҳининг  $67,8\pm 3,2\%$  кўрсаткичига нисбатан асосий гуруҳда  $83,5\pm 4,4\%$  га тенг бўлди. Иккала томонда пателляр рефлекслар тикланди (асосий гуруҳда  $6,8\pm 3,7\%$  дан  $75,6\pm 7,3\%$  гача; қиёслаш гуруҳида  $54,3\pm 5,6\%$ ,  $p\leq 0,05$ ); оёқ қафти рефлекслари қиёслаш гуруҳининг  $49,8\pm 4,3\%$  кўрсаткичига нисбатан асосий гуруҳнинг  $6,8\pm 3,7\%$  дан  $80,4\pm 8,2\%$  гача тикланган ( $p\leq 0,05$ ); ахилл рефлекслари қиёслаш гуруҳининг  $56,7\pm 5,1\%$

кўрсаткичиг нисбатан асосий гуруҳнинг 0,0% дан 80,4±8,2% гача тикланган ( $p \leq 0,05$ ). Бўғим-мушак сезувчанлиги назорат гуруҳининг 24,5±3,7% кўрсаткичига нисбатан асосий гуруҳда 57,8±7,1% яхшиланган. Мазкур кўрсаткичларни реабилитация таъсири остида афферент йўлларнинг бутунлай ёки қисман тикланиши деб ҳисоблаш мумкин. Натижада болаларнинг ҳамроҳларга тобелик даражаси асосий гуруҳда 23,5±4,6% дан 4,2±1,7% гача, назорат гуруҳида эса 6,7±2,1% гача пасайди ( $p \leq 0,05$ ).


Реабилитациядан аввал биз томонимиздан олинган натижалар таҳлилига кўра, 3 ёшдаги болаларнинг 56% ида оёғининг узунлиги ўртача 57,6±1,5 см (гипотрофия) бўлган, 44% ида эса 51,8±1,6 см (гипотрофия) бўлган. Реабилитациядан аввал 5 ёшдаги болаларнинг 63% ида 65,4±1,7 см (гипотрофия), 37% ида 61,3±1,4 см (гипотрофия) бўлган. Реабилитациядан аввал 7 ёшдаги болаларнинг оёқ узунлиги 58%ида 70,5±1,6 см (гипотрофия), 42% ида эса 68,4±1,4 см (гипотрофия) бўлган. Реабилитацион муолажалар комплексидан сўнг, асосий гуруҳда деярли барча болаларда (96%) яхшиланиш кузатилди. Демак, 3 ёшдаги болаларнинг оёқ узунлиги ўртача 2,4±0,2 смга ортди ва текширувдаги мазкур ёшга оид болаларнинг 90%ида 59,8±1,2 см ни ташкил қилди, бунда 10% болаларда оёқ узунлиги бирмунча камроқ ошган ва 58,6±1,1 см ни ташкил қилган ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациянинг анъанавий услубиёти қўлланилди ва бу ерда 71% болаларда яхшиланиш кузатилди. Демак қиёслаш гуруҳида оёқ узунлиги бирмунча камроқ узайган ва 3 ёшдаги болаларда 58,2±0,8 см ни ташкил қилди. Асосий гуруҳнинг 5 ёшдаги болаларида оёқ узунлиги ўртача 3,7±0,1 см га узайган ва текширувда қатнашган беморларнинг 69,5±0,5 см (92%) ига тенг бўлди. 8% болаларда оёқ узунлиги камроқ узайди ва 67,8±1,3 см га тўғри келди. Қиёслаш гуруҳида 5 ёшдаги болалар орасида яхшиланиш 68% боладагина сезилди. Оёқ узунлиги камроқ узайди ва 66,5±1,5 см ни ташкил қилди, 32% ида эса оёқ узунлиги ўзгаришсиз қолди, бу ҳолат оёқларда гипотрофия ёки атрофия мавжудлигидан далолат беради. Асосий гуруҳнинг 7 ёшдаги болаларида оёқ узунлиги ўртача 2,8±0,2 см га узайган ва текширувдаги беморларда 73,6±0,3 см (90%) ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳида аҳамиятсиз ўзгаришлар рўй берди. Демак, текширувдаги 7 ёшдаги беморларнинг 64% ида оёқ узунлиги 71,6±0,4 см гача етган ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳидаги 36% болаларда ўзгаришлар кузатилмади. Реабилитациядан аввал 8 ёшдаги болаларнинг 62%ида оёқ узунлиги ўртача 78,5±1,7 см (гипотрофия) бўлган бўлса, 38% ида оёқ узунлиги 76,4±1,5 см (атрофия)ни ташкил этган. 10 ёшдаги болаларнинг 70% ида оёқ узунлиги 87,3±1,7 см (гипотрофия) бўлган бўлса, 30% ида 85,7±1,3 см (атрофия) га тенг бўлди. 11 ёшдаги болаларнинг 67% ида реабилитациядан аввал оёқ узунлиги ўртача 90,6±1,4 см (гипотрофия) бўлган бўлса, 37 %ида ўртача 88,8±1,2 см га тенг бўлди ( $p < 0,05$ ). Реабилитацион муолажаларнинг комплексидан сўнг, асосий гуруҳда деярли барча болаларда яхшиланиш сезилди (97%). Демак, асосий гуруҳнинг 8 ёшдаги болаларида 2,6±0,3 см ошган ва мазкур ёш нисбатидаги текширувда қатнашаётган 92% болаларда 82,5±0,5 см ни ташкил қилди. Бунда 8% болаларда аҳамиятсиз ўзгаришлар кузатилди ва 80,7±0,3 см га тўғри келди. Қиёслаш гуруҳидаги 8 ёшли болаларнинг 76% ида аҳамиятсиз ўзгаришлар кузатилди ва 79,3±0,7 см ни ташкил қилди, бунда 34% болаларда ўзгариш умуман кузатилмади. Асосий гуруҳ 10 ёшдаги болаларининг 91% ида оёқ узунлигининг ўртача 2,3±0,4см га узайиши



кўринишидаги ишончли ўзгаришлар кузатилди ва  $91,6 \pm 0,4$  см ни ташкил қилди. Текширувдаги 9% болаларда аҳамиятсиз кичик ўзгаришлар кузатилди ва оёқ узунлиги  $88,3 \pm 0,5$  см ни ташкил қилди. Қиёслаш гуруҳида 10 ёшдаги беморларнинг 72% ида кичик ўзгаришлар кузатилди ва оёқ узунлиги  $87,8 \pm 1,0$  см ни ташкил қилди. Асосий гуруҳнинг 11 ёшдаги беморларида реабилитациядан кейин оёқ узунлиги ўртача  $2,8 \pm 0,3$  см га узайди ва  $93,0 \pm 0,4$  см (95%) ни ташкил қилди. Асосий гуруҳнинг 5% болаларида кам миқдордаги яхшиланиш кузатилди ва  $90,6 \pm 0,4$  см ни ташкил қилди. Қиёслаш гуруҳида фақат 69% бемордагина кичик яхшиланиш сезилди. Бунда реабилитациядан кейин 11 ёшли болаларда оёқ узунлиги  $90,4 \pm 0,5$  см ни ташкил қилди ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳидаги 31% болаларда эса самара сезилмади. Реабилитациядан аввал 12 ёшдаги беморларнинг 88% ида оёқ узунлиги  $92,6 \pm 1,3$  см (гипотрофия) ни ташкил қилган, 12% ида оёқ узунлиги  $90,8 \pm 0,3$  см (гипотрофия) га тенг бўлган. 13-15 ёшли ўсмирларнинг 92% ида реабилитациядан аввал оёқ узунлиги ўртача  $97,4 \pm 0,5$  см ни ташкил қилган (гипотрофия), 8% болаларда оёқ узунлиги  $95,8 \pm 0,2$  см (гипотрофия) га тенг бўлган. 16-18 ёшли ўсмирларнинг 83 % ида реабилитациядан аввал ўртача  $110,6 \pm 0,8$  см (гипотрофия) ни ташкил қилган бўлса, 17 % ида оёқ узунлиги ўртача  $108,3 \pm 0,6$  см (гипотрофия) га тенг тенг бўлган. Ўтказилган реабилитацион муолажалардан сўнг, асосий гуруҳнинг 12 ёшдаги беморларнинг 94% ида ишончли ўзгаришлар кузатилган, беморлар оёқ узунлиги  $3,5 \pm 0,4$  см га узайган ва  $99,5 \pm 0,5$  см га тенг бўлган. 6% беморда эса кичик ўзгаришлар рўй берди ва  $97,7 \pm 0,3$  см ни ташкил қилди. Қиёслаш гуруҳидаги 12 ёшли беморларнинг 68% ида кичик яхшиланишлар кузатилди. Яъни, оёқ узунлиги  $95,6 \pm 0,4$  см ни ташкил қилди ( $p < 0,05$ ). 32 % беморда эса ўлчаш натижасида ўзгаришлар аниқланмади. Асосий гуруҳнинг 13-15 ёшли беморларининг 93% ида оёқ узунлиги  $105,5 \pm 0,5$  см ни ташкил қилди, 7% болаларда эса кичик ўзгаришлар кузатилди ва оёқ узунлиги  $103,8 \pm 0,6$  см га тенг бўлди. Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан сўнг 66 % болаларда оёқ узунлигининг кам миқдорда узайиши аниқланган ва  $100,5 \pm 0,7$  см узунлик қайд этилган. 34 % беморда эса яхшиланиш кузатилмади. Асосий гуруҳнинг 16-18 ёшли ўсмирларнинг 97 % ида реабилитациядан сўнг, оёқ узунлиги  $3,8 \pm 0,3$  см га узайган ва  $113,5 \pm 0,5$  см ни ташкил қилган, 16-18 ёшдаги ўсмирларнинг 3% ида эса оёқ узунлиги  $110,6 \pm 0,4$  см га тенг бўлган ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан сўнг, 71 % болаларда кам миқдордаги ўзгаришлар қайд этилди ва оёқ узунлиги  $108,2 \pm 0,4$  см деб белгиланди. 39% ида эса яхшиланиш кузатилмади. Асосий гуруҳнинг беморларида ўнг ва чап оёқ узунлиги деярли ўзгаришсиз бўлди ( $p < 0,05$ ). Қиёслаш гуруҳида эса ўнг ва чап оёқларнинг узунлиги 3 ёшли беморларда  $0,3 \pm 0,02$  см ( $p < 0,001$ ) га ўзгарган. Қиёслаш гуруҳининг 5 ёшли болаларда ўнг ва чап оёқ узунлиги  $0,4 \pm 0,03$  см ( $p < 0,001$ ) га ўзгарган. Қиёслаш гуруҳида 7 ёшли болалар оёқ узунлиги  $0,2 \pm 0,02$  см ( $p < 0,001$ ) га ўзгарган. 8 ёшли беморларининг оёқ узунлиги  $0,3 \pm 0,01$  см ( $p < 0,001$ ) см га ўзгарган. Қиёслаш гуруҳида 9-10 ёшли беморларда эса узунлик деярли ўзгармаган. 11-12 ёшли беморларда ўнг ва чап оёқ узунлиги  $0,3 \pm 0,02$  см ( $p < 0,001$ ) га ўзгарган. Қиёслаш гуруҳида 13-15 ёшли ўсмирларда ўнг ва чап оёқ узунлиги деярли ўзгармаган. Қиёслаш гуруҳида 16-18 ёшли ўсмирларда ўнг ва чап оёқ узунлиги  $0,2 \pm 0,01$  см ( $p < 0,001$ ) га ўзгарган.

Демак, қиёслаш гуруҳининг айрим беморларида реабилитациядан кейин чап

ва ўнг оёқ узунлигида кичик ўзгаришлар рўй берган бўлса, беморларнинг бошқа қисмида оёқ узунлигига боғлиқ бўлган тананинг чап ёки ўнг томонида сколиоз ривожланди.



**9-расм.** Реабилитациядан сўнг қиёслаш гуруҳида (ўнг ва чап) оёқларда ўзгаришлар

Шунингдек, антропомтерик кўрсаткичлар реабилитациядан аввал 3 ёшдаги беморларнинг 76% ида болдир айланаси ўртача  $20,21 \pm 0,01$  см, 24% ида гипотрофия кузатилган ва болдир айланаси кўрсаткичи уровне  $19,46 \pm 0,02$  см га тенг бўлган ( $p \leq 0,001$ ). Ўтказилган реабилитация муолажаларидан сўнг, асосий гуруҳда 3 ёшли болаларнинг 92 %ида болдир айланаси кўрсаткичлари  $21,16 \pm 0,01$  см ни ташкил қилди. 8% ида эса кичик ўзгаришлар кузатилган ва уларда болдир айланаси кўрсаткичлари  $20,73 \pm 0,02$  см ни ташкил этди ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида фақат 67% болаларда болдир айланаси ўлчами  $20,44 \pm 0,03$  гача ошиши кўринишидаги кичик ўзгаришлар кузатилган ( $p \leq 0,001$ ). Бунда қиёслаш гуруҳи болаларининг 33% ида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмади. 5 ёшдаги беморлари болдир айланасининг реабилитациядан аввалги кўрсаткичлари  $20,17 \pm 0,02$  см дан иборат бўлган ( $p \leq 0,001$ ). Реабилитациядан кейин асосий гуруҳдаги 93% болаларда болдир айланаси  $1,85 \pm 0,02$  см га ошиши кўринишидаги яхшиланиш кузатилди ( $p \leq 0,001$ ). Демак, реабилитациядан кейин мазкур ёшдаги аксарият миқдордаги болаларда болдир айланаси ўлчами  $22,80 \pm 0,01$  см (94%) ни ташкил қилган. Бунда 6% болаларда бирмунча камроқ яхшиланиш қайд этилди ва болдир айланаси  $21,76 \pm 0,03$  см га тенг бўлди ( $p \leq 0,002$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан кейин 72 % беморда болдир айланаси ўлчами  $21,64 \pm 0,01$  гача катталаниши кўринишидаги аҳамиятсиз ўзгаришлар кузатилди ( $p \leq 0,001$ ). Демак, 28 % болаларда ўзгаришлар кузатилмади. 7 ёшдаги болаларнинг реабилитациядан аввалги болдир айланаси кўрсаткичлари  $22,21 \pm 0,01$  га тенг бўлди ( $p \leq 0,001$ ). Ўтказилган реабилитация муолажаларидан сўнг, асосий гуруҳнинг болаларида болдир айланаси ўртача  $2,00 \pm 0,02$  см га катталашган ва 98% ида  $24,47 \pm 0,03$  см га тенг бўлган, 2% беморда аҳамиятсиз ўзгаришлар кузатилди ва болдир айланаси  $23,72 \pm 0,04$  см га тенг бўлди ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида 65 % болада аҳамиятсиз ўзгаришлар қайд этилди ва болдир айланаси  $23,18 \pm 0,03$  см га тенг бўлди ( $p \leq 0,001$ ). 35 % да умуман ўзгариш кузатилмади. 8 ёшдаги беморларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $23,34 \pm 0,04$  см дан иборат бўлган ( $p \leq 0,002$ ), бу кўрсаткич

гипотрофияни англатади. Ўтказилган реабилитация муолажаларидан сўнг, асосий гуруҳнинг 94 % ида аҳамиятли яхшиланиш кузатилган ва болдир айланаси кўрсаткичлари  $25,46 \pm 0,03$  см дан иборат бўлган ( $p \leq 0,002$ ). Бунда 6% беморда кичик яхшиланиш қайд этилган ва болдир айланаси кўрсаткичлари  $24,78 \pm 0,04$  см дан иборат бўлган ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан кейин 58 % беморларда болдир айланасининг  $24,37 \pm 0,03$  см гача катталашиши кўринишидаги кичик яхшиланиш қайд этилди ( $p \leq 0,001$ ). Қолган 42 % беморда бирор яхшиланиш кузатилмади. 9 ёшдаги болаларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $26,65 \pm 0,02$  см ни ташкил этди ( $p \leq 0,001$ ). Ўтказилган муолажалардан сўнг, 93 % болада сезиларли яхшиланиш кузатилди ва болдир айланаси кўрсаткичи  $28,01 \pm 0,03$  см ни ташкил қилди ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида 66 % болада кичик ўзгаришлар кузатилди ва болдир айланаси кўрсаткичи  $27,74 \pm 0,02$  см ни ташкил қилди. Бунда 34 % беморда яхшиланиш кузатилмади. 10 ёшдаги беморларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $27,44 \pm 0,01$  см ни ташкил қилди ( $p \leq 0,001$ ). Ўтказилган реабилитация муолажаларидан кейин асосий гуруҳнинг 97 % болаларида болдир айланаси кўрсаткичи  $29,22 \pm 0,02$  см дан иборат бўлди ( $p \leq 0,001$ ). 3 % беморда кичик ўзгаришлар қайд этилди ва болдир айланаси кўрсаткичи  $28,79 \pm 0,03$  см га тенг бўлди ( $p \leq 0,002$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан сўнг болдир айланаси кўрсаткичлари  $28,64 \pm 0,02$  см ни ташкил этди ( $p \leq 0,002$ ). 11-12 ёшдаги болаларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $28,37 \pm 0,02$  см га тенг бўлган. Ўтказилган реабилитация муолажаларидан кейин асосий гуруҳнинг 91 % ида болдир айланаси кўрсаткичлари  $30,04 \pm 0,04$  см га тенг бўлди ( $p \leq 0,002$ ). 9 % болада кичик ўзгаришлар қайд этилди ва болдир айланаси кўрсаткичлари  $29,93 \pm 0,03$  см гача катталашди ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида 72 % беморларда кам миқдордаги ўзгариш аниқланди ва болдир айланаси кўрсаткичлари  $29,75 \pm 0,02$  см гача катталашди ( $p \leq 0,002$ ). Бунда 28 % болада бирор ўзгариш кузатилмади. 13-15 ёшдаги ўсмирларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $30,04 \pm 0,03$  см га тенг бўлган ( $p \leq 0,003$ ). Ўтказилган реабилитация муолажаларидан кейин асосий гуруҳнинг 97 % ида болдир айланаси кўрсаткичлари  $2,56 \pm 0,03$  см га катталашди ва  $32,60 \pm 0,04$  см ни ташкил этди ( $p \leq 0,002$ ). Қиёслаш гуруҳида реабилитациядан сўнг болдир айланаси кўрсаткичлари 69 % беморда  $31,94 \pm 0,06$  см дан иборат бўлди ( $p \leq 0,001$ ). Бунда 31 % ида эса бирор ўзгариш кузатилмади. 16-18 ёшдаги ўсмирларда реабилитациядан аввал болдир айланаси кўрсаткичлари  $32,52 \pm 0,03$  см га тенг бўлган ( $p \leq 0,001$ ). Ўтказилган реабилитация муолажаларидан кейин асосий гуруҳнинг 90 % болаларида болдир айланаси кўрсаткичи  $35,02 \pm 0,03$  см дан иборат бўлди ( $p \leq 0,002$ ). 10 % беморда эса болдир айланаси кўрсаткичлари  $34,78 \pm 0,02$  см гача катталашди ( $p \leq 0,001$ ). Қиёслаш гуруҳида 78 % беморда болдир айланаси кўрсаткичлари  $34,33 \pm 0,02$  см гача катталашиши кўринишидаги аҳамиятсиз ўзгариш қайд этилди ( $p \leq 0,002$ ).

Тадқиқот жараёнида оёқ нервларининг асосий **электронейромиографик кўрсаткичлари бахоланди:** ҳаракатлантирувчи ва сезувчан толаларнинг латентлиги, М-жавоб амплитудаси ва сезувчан толалар бўйича жавоби, ҳаракатлантирувчи ва сезувчан толалар бўйлаб импульс ўтиш тезлиги, F тўлқин кўрсаткичлари (латентлик, амплитуда, тезлик, полифазалик). Асосий текширилган нервлар: қўймич, кичик болдир, тери юзаки нервлари. Оёқ периферик

